

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСИТУТИ

ИКРАМОВ САИДАЗИМ АДИЛОВИЧ

**ГЕПАТИТ С ВИРУСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ПЦР ДИАГНОСТИКУМНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**АВТОРЕФЕРАТ
Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Икромов Саидазим Адилевич

Гепатит С вирусини аниқлаш учун ПЦР диагностикаумни ишлаб чиқиш.....3

Икромов Саидазим Адилевич

Разработка ПЦР диагностикаума на выявление вируса гепатита С.....21

Ikramov Saidazim Adilovich

Development of PCR diagnosticum for detection viral hepatitis C.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСИТУТИ

ИКРАМОВ САИДАЗИМ АДИЛОВИЧ

**ГЕПАТИТ С ВИРУСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ПЦР ДИАГНОСТИКУМНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**АВТОРЕФЕРАТ
Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4. PhD /К79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.icps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Азимова Шахноз Садыковна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Раҳманбердиева Рано Каримовна
кимё фанлари доктори
Ошепкова Юлия Игоревна
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.:262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail : plantinst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатларга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail : nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2023йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2023йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.,
катта илмий ходим

Э.Х. Ботиров
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси PhD).

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Гепатит С вируси – бу инсон жигарига зарар етказадиган ва беморнинг ҳаёт сифатини пасайтирадиган инфекция ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра гепатит С вируси (ГСВ) ташувчилари дунёда 58 миллион кишини ташкил этиб, аксарият беморларда гепатит С нинг ўткир шакли ГСВ нинг сурункали шаклига айланади ва ҳар йили 150000 дан ортиқ инсоннинг ўлимига сабабчи бўладиган жигар циррози, жигар шикастланиши ёки гепатоцеллюлар карциномага олиб келиши мумкин. Афсуски, ЖССТ маълумотларига кўра, беморларнинг 12% дан кўпи ГСВ касаллиги ҳақида маълумотга эга эмас.

Гепатит С вируси ижобий йўналтирилган РНКни ўз ичига олган, *Flaviviridae* оиласига мансуб 55-65 нм ўлчамли сферик вирусдир. Вирус геноми ижобий йўналтирилган битта занжирли РНКда жойлашган, тахминан 9600 нуклеотид қолдиғидан иборат.

Ҳозирги вақтда ГСВнинг диагностикаси иммунофермент анализ (ИФА), иммуно–хроматографик анализ(ИХА), полимеризация занжир реакцияси (ПЗР) усуллари ёрдамида амалга оширилади. Бироқ, энг сезгир ПЗР усули ҳисобланади.

Улар орасидан Реал вақтдаги ПЗР (RT, Real Time PCR) усулининг афзаллиги шубҳасиз унинг аниқлигидир. Кўп қиррали, информацион ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан Реал вақтдаги ПЗР усулига турли хил молекуляр генетик ёндашувларнинг бутун спектрини яратиш учун ноёб асос сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари, Реал вақтдаги ПЗР пайдо бўлиши билан нафақат ГСВ ташхисини қўйиш, балки даволаниш жараёнини ҳам кузатиш мумкин.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги "2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-55-сонли фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги ПФ-60-сонли Фармонида назарда тутилган вазифаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги "Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ва олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3489-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-3532-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги "Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4899-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 16 майдаги "Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-

тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида" ги ПҚ-243-сон қарори шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишнинг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг №И-2015-6-15 "Вирусли гепатит С ни аниқлаш учун ПЗР диагностикаум ишлаб чиқиш" (2015-2016)мавзусидаги инновацион лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вирусли гепатит С ни аниқлаш учун ПЗР таҳлилини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар турли давлатлар олимлари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, Eileen Z. Zhang ва унинг ходимлари ПЗР усули билан ГСВ 1-генотипининг амплификация усулини ишлаб чиқдилар, Girish J. Kotwal. ва бошқалар вирусли гепатитларнинг диагностикасига янгича ёндашувларни кўрсатиб бердилар. Буюк Британия тадқиқотчилари ГСВ миқдорини аниқлаш учун ПЗР усулини ишлаб чиқишган (ClancyA). Муаллифлар (M.Hassan, E. Azzazy ва бошқалар) ўз ишларида ГСВ ташхисини ИФА таҳлил ёрдамида амалга оширганлар.АҚШ олимлари вирусли гепатит С ни генотиплаш усулини тасвирлаб беришди (S.Frederick, Nolte). G.Pogosyan бошчилигидаги тадқиқотчилар реал вақтдаги ПЗР ва агароза гели ёрдамида қайд этиш усули билан вирусли гепатит С ни аниқлашнинг қиёсий самарадорлигини ўрганишди.

Ҳозирги вақтда ("Марказий эпидемиология илмий-тадқиқот институти" ФБУН(Россия) савдо белгиси остида, реал вақт режимида ПЗР усули билан вирусли гепатит С ни аниқлаш учун "АмплиСенсHCV-FL"тўплам ишлаб чиқарилмоқда.

Хорижий ишланмалар патентлар билан ҳимояланган, шу сабаб уларнинг нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида Ўзбекистон Республикасида ПЗР диагностикаумларни ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг И-2015-6-15 "Вирусли гепатит С ни аниқлаш учун ПЗР диагностикаумни ишлаб чиқиш "(2015-2016йй.) инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади гепатит С вирусини аниқлаш учун "Реал вақтдаги" маҳаллий ПЗР диагностикаумни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

- Праймерлар дизайни учун мос бўлган ГСВ нинг барча 6 генотиби (NCBI маълумотлар базаларидан олинган) учун умумий бўлган нуклеотидлар кетма-кетлиги ҳудудларини аниқлаш. Праймер ва флуоресцент зондларни *in silico* лойиҳалаш,
- олигонуклеотид праймерларнинг кимёвий синтези ва уларни тозалаш,
- энг самарали праймерлар жуфтлигини аниқлаш,
- флуоресцент зондларнинг кимёвий синтези ва уларни тозалаш,

-ЮССХ усули ёрдамида олигонуклеотид праймерларни стандартлаштириш,

- ГСВ ни аниқлаш учун RT-ПЗР методологиясини ишлаб чиқиш,

-ПЗР диагностик тўпламнинг лаборатория синовларини ўтказиш,

-Меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ДУК"Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" рўйхатидан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти Гепатит С вирусининг РНКси.

Тадқиқотнинг предмети ГСВ вирус геноми, праймерлар, флуоресцент зондлар, олигонуклеотид праймерларнинг термодинамик хусусиятлари, ишлаб чиқилган тўпламнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда биоорганик кимё усуллари (нуклеин кислоталарни сифат ва миқдорий аниқлаш усуллари, спектрофотометрик усул, олигонуклеотид праймерларни синтез қилиш ва тозалаш усули), молекуляр биология ва биотехнология усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

гепатит С вирусининг 6 та генотипи нуклеотидлар кетма-кетлигини ўрганиш асосида унинг барча генотиплари учун умумий бўлган консерватив геном қисмлари аниқланган; олинган маълумотларга асосланиб, янги олигонуклеотид праймерлари ва флуоресцент зондлар *in silico* лойиҳаштирилган ва синтез қилинган бўлиб, улар ёрдамида ГСВни гибридизацион-флуоресцент (RT-ПЗР) усули билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган; ГСВ RT-ПЗР тўпламлари учун праймерлар ва флуоресцент зондларнинг синтези амалга оширилган, тозалаш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган; вирус РНКси билан праймерларнинг ўзаро комплементар таъсирини кўпайтириш учун янги модификация қилинган нуклеотидлар ишлатилган; тадқиқотлар давомида лойиҳалаштирилган ва синтез қилинган олигонуклеотид праймерлари асосида RT-ПЗР ўтказиш шароитлари танланган ва оптималлаштирилган, шунингдек битта пробиркада RT-ПЗР ўтказиш шароитлари ишлаб чиқилган; ишлаб чиқарилган "ПЗР-Детект-Гепатит С" тўпламнинг лаборатория синовлари ўтказилиб; унинг спецификлиги ва сезгирлиги ўрганилган; ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

ГСВ 6 генотипининг нуклеотид кетма-кетлигини таҳлил қилиш асосида консерватив участка 5-NC-минтақа (344 нуклеотид) эканлиги аниқланган ва унинг асосида олигонуклеотид праймерлар лойиҳалаштирилган. ГСВни RT-ПЗР усулида аниқлаш учун олигонуклеотид праймерлар ва флуоресцент зондлар синтез қилинган. ПЗР таҳлили учун оптимал шароитлар ишлаб чиқилган. Диагностик тўплам учун меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижасида ГСВ диагностикаси учун олигонуклеотид праймерлари ва флуоресцент зондлар кетма-кетлиги билан хорижий аналоглардан фарқ қилувчи RT-ПЗР усули асосидаги маҳаллий тўплам ишлаб чиқилган. Модификацияланган нуклеотидлардан фойдаланиш тест тизимининг сезгирлиги ва спецификлигини оширишга имконият берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий биокимёвий ва

молекуляр биологик усуллардан фойдаланиш билан асосланади. Илмий натижалар замонавий аналитик ва статистик усуллар билан таҳлил қилинган. Олинган натижаларни тасдиқлаш республика ва халқаро илмий конференциялардаги маърузалар, мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш, тадқиқот натижаларини экспертлар томонидан рецензия қилинадиган илмий нашрларда чоп этиш, патент олиш, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК дарўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация ишида келтирилган тадқиқот натижалари ҳам фундаментал, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Гепатит С вирусининг барча 6 генотиби учун геномнинг консерватив участкалари аниқланиб, хорижий аналоглардан праймерлар ва флуоресцент зондлар нуклеотид кетма-кетлиги билан фарқ қилади. ПЗР таҳлилида ишлатиладиган праймерлар *in silico* лойиҳалаштирилган. Амплификация самарадорлигига таъсир қилувчи праймерларнинг асосий термодинамик хусусиятлари аниқланган. ПЗР самарадорлиги аралашманинг таркиби ва реактивларнинг концентрацияси билан боғлиқлиги аниқланган. Олинган натижалар РНК асосидаги ПЗР диагностика умумларни ишлаб чиқишда ишлатилиши мумкин.

Ушбу тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан гепатит С вирусининг РНКсини аниқлаш учун маҳаллий тижорат тўпламларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжлари учун сотиб олиннадиган қимматбаҳо ПЗР тўпламларини маҳаллий диагностика воситалари ёрдамида ўрнини босиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг (ФАР - 01553-сон) "Гепатит С вируси РНКсини аниқлаш учун синтетик олигонуклеотидлар" фойдали моделига патент олинган. Натижада, гепатит С вируси РНКни аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва синтез қилинган синтетик олигонуклеотидлар ЎЗР патенти билан ҳимояланган.

Ишлаб чиқилган ПЗР "ПЦР-Детект – Гепатит С" диагностик тўплами Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги "Дори воситалари, тиббий маҳсулотлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК да рўйхатдан ўтказилган (Рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси № ТВ/М 00620/10/22 28.10.22).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари маърузалар шаклида баён этилиб, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан PhD

диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси халқаро ва 2 таси республика журналларида чоп этилган, 1 та Ўзбекистон Республикаси патентидан иборатдир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 93 бет ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари келтирилиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Гепатит С вируси ҳақида умумий маълумотлар, унинг диагностикаси ва тузилиши"** ҳақида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги маълумотлар батафсил келтирилган бўлиб, унда ГСВ нинг дунёда тарқалиши, вирус зарраларининг тузилиши, вирус геномининг тузилиши, структуравий ва ноструктуравий оқсиллари, вируснинг асосий 6 генотиплари, ГСВ диагностика усуллари ҳақида маълумотлардан иборатдир.

Диссертациянинг иккинчи бобида **"Биоорганик кимё, молекуляр биология, ген муҳандислиги материал, шарт-шароитлари ва усуллари"** экспериментал қисми берилган бўлиб, унда ишлатилган реагентларнинг хусусиятлари ва олигонуклеотид праймерларини синтез қилиш, тозалаш, стандартлаштириш усуллари, шунингдек, вирус РНКсини ажратиш ҳамда ПЗР усуллари берилган.

Диссертациянинг учинчи боби **"Олигонуклеотид праймерларини лойиҳалаш, синтез қилиш ва тозалаш, ГСВ ни аниқлаш учун RT-OT-ПЗР тўпланини ишлаб чиқиш"**га бағишланган. Ушбу бобда ГСВ ни аниқлаш учун RT-OT-ПЗР тўпланини ишлаб чиқиш бўйича шахсий тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, унда 6 та ГСВ генотипининг нуклеотидлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш, олигонуклеотид праймерларини лойиҳалаш, синтез қилиш ва тозалаш, ПЗР аралашмаси таркибини оптималлаштириш, ГСВ аниқлаш учун ишлаб чиқилган тўпланининг спецификлиги ва сезгирлиги бўйича қиёсий таҳлил келтирилган.


Ишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вирусология илмий-тадқиқот институтидан олинган ГСВ беморларининг плазма намуналаридан фойдаланилган. ГСВ 6 та генотиплари геномининг нуклеотид кетма-кетлиги NS5I маълумотлар базасидан олинган. Таққослаш учун "Марказий Эпидемиология илмий-тадқиқот институти" (Россия) томонидан ишлаб чиқарилган "Ампли СенсHCV-FL" тижорат ПЗР тўплами ишлатилган. Нуклеин кислоталарни қон плазмаси намуналаридан ажратиш учун ЎЗР ФА

ЎМКИ томонидан ишлаб чиқарилган "ЭНКОР" реагентлар тўпламидан фойдаланилган.

Праймерларни дизайни учун маъқбул бўлган ҳудудларни аниқлаш мақсадида ГСВ 6 та генотиби геномларининг нуклеотидлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш

Консерватив участкалари топиш учун ГСВнинг 6 та генотиби геномларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги таҳлил қилинди. Геном нуклеотидлари кетма-кетлиги NCBI маълумотлар базасидан олинган. ГСВ генотиплари орасидаги нуклеотидлар кетма-кетлигининг гетерогенлиги туфайли DNA STAR LASER GENE 7 дастури таҳлил қилиш учун ишлатилган.

ГСВ геноми 12та қисмдан иборат (1-расм). 4 та таркибий оқсиллар ҳудудлари Core protein, E1, E2, p7, 6та таркибий бўлмаган оқсиллар ҳудудлари NS2, NS3, NS4A, NS4B, NS5A, NS5B ва иккита кодламайдиган ҳудудлар 5NC ва 3NC.




1-расм. Гепатит С вирус геномининг тuzилиши.

ГСВ геномининг нуклеотидлар кетма-кетлиги генотиплар орасида ката фарқларга эга. Бу барча ГСВ 6 та генотиплари учун консерватив ҳудудни топишни қийинлаштирди. DNA STAR LASER GENE 7 дастурдан фойдаланиб, биз ГСВ генотиплар ўртасидаги сайтлар қиёсий таҳлилини ўтказдик. (2-расм ва 3-расм.)

Sequence Name	Pos = 1
Consensus	... C C X X C C C C T X A X X G G G G C G A C A C T C C A C C A T G - A T C A C T C C C C C T O T G A G G A A C T A C T O T C T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O T X C A G C C T C C A G G A C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 1	0 C C A G C C C C T G A T G G G G C G A C A C T C C A C C A T G A A T C A C T C C C C C T O T G A G G A A C T A C T O T C T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O T G A G C C T C C A G G A C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 2	A C C C G C C C T A A T A G G G G C G A C A C T C C C C C A T G A A T C A C T C C C C C T O T G A G G A A C T A C T O T C T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O T A C A G C C T C C A G G C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 3	A C C T G C C T C T T A C G A G G G C A C A C T C C A C C A T G G A T C A C T C C C C C T O T G A G G A A C T T C T O T C T T C A C G C G A A A A G C C C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O T G A G C C T C C A G G A C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 4	... T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T T O T A C A G C C T C C A G G A C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 5	... T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O A A C A G C C T C C A G G A C C C C C C C T C C C G
HCV genotype 6	0 C C A G C C C T T A A C G G G G C G A C A C T C C A C C A T G - A T C A C T C C C C C T O T G A G G A A C T A C T O T C T T C A C G C A G A A A G C C O T C T A G C C A T G C C O T T A G T A T G A O T O T C O T G A G C C T C C A G G C C C C C C C T C C C G
Sequence Name	Pos = 129
Consensus	C C G G A G A G C C A T A T G G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T T G C C G G A T G A C C G G T C C T T T C - T T G G A T - A A A C C C C T C A A T G C C C G G A G A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
HCV genotype 1	C C G G A G A G C C A T A T G G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T T G C C A G G A C A C C G G G T C C T T T C - T T G G A T - A A A C C C C T C A A T G C C T G G A G A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
HCV genotype 2	C C G G A G A G C C A T A T G G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T T G C C G G A A G A C T G G G T C C T T T C - T T G G A T - A A A C C C A C T A T A C C C G G C A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
HCV genotype 3	C C G G A G A G C C A T A T G G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T C G C T G G G T G A C C G G G T C C T T T C - T T G G A G - C A A C C C C T C A A T C C C A G A A A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T A G C A T A G C C
HCV genotype 4	... T T G G A T - T A A C C C C T C A A T G C C C G G A A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
HCV genotype 5	C C G G A G A G C C A T A T G G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T T G C C G G A T G A C C G G G T C C T T T C - T T G G A T - A A A C C C C T C A A T G C C C G G A G A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
HCV genotype 6	C C G G A G A G C C A T A T G A T G T C T C C G G A A C C G G T G A G T A C A C C G A A T T G C C A G A C A C C G G G T C C T T C A T T G G A T G A A A C C C C T C A A T G C C T G G A G A T T T G G C G T G C C C C C G C A A G A C T G C T A G C C
Sequence Name	Pos = 249
Consensus	A C T G C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A
HCV genotype 1	A C T G C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A C
HCV genotype 2	A C T G C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C A A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A A C
HCV genotype 3	A T C A C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C A T G A G C A C A C T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A A C
HCV genotype 4	A C T G C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G C C G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C G A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A A C
HCV genotype 5	A C T G C T A G C C G A G T A G T G T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C G A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A A C
HCV genotype 6	A C T G C T A G C C G A G T A G C T T G G G T C C G A A A G C C C T T G T G G T A C T G C C T G A T A G G T G C T T G C G A G T G C C C C G G G A G G T C T C O T A G A C C O T G C A C C A T G A G C A C A A T C C T A A A C C T C A A A G A A A A C C A A A A C

2-расм. ГСВнинг 6 та генотиплари ўртасида 5-NC – кодламайдиган ҳудудни таққослаш. Қизил ранг билан белгиланган нуклеотид кетма-кетлиги ГСВ олтига генотиплари ўртасидаги тўлиқ мосликни кўрсатади.



3-расм. ГСВнинг 6 та генотиплари ўртасида Core protein – кодламайдиган ҳудудни таққослаш.

Таҳлил натижаларига кўра праймерлар дизайни учун 5'-NC, Core оксил ва 3'-NC ҳудудлар эканлигини аниқладик. 3'-NC ҳудуд праймерларни лойиҳалаш учун мос бўлганлиги билан унинг ўлчами қисқа кетма-кетликдан (140 н.ж.) иборат бўлиб, праймерлар дизайнида зарур ўзгарувчанликни таъминламади ва шу сабабли биз ушбу ҳудудни чиқариб ташладик. Натижада, 6 та генотип ўртасида 5'-NC кодламайдиган ҳудуд учун нуклеотидлар кетма - кетлигининг мослиги 70,05%, Core оксил ҳудуд учун 65,04% ни ташкил этиши аниқланди.

Олигонуклеотид праймерларнинг дизайни

ГСВ геномида танланган сайтлар учун олигонуклеотид праймерлар in silico ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Конструкцияланган праймерлар

№	Праймерларнинг номи	Праймерларнинг нуклеотид кетма-кетлиги	Геномда жойлаш иши	Праймер узунлиги	Сууюклани ш ⁰ С
1	HCSHF	TCACGCAGAAAGCGTCTA	64-81	18	54
2	HCSHR	GCAGACCACTATGGCTC	135-151	17	54
3	HCSHF2	GCAGAAAGCGTCTAGCCA	68-85	18	56
4	HCSHR3	GCAGACCACTATGGCTCAC	133-151	19	60
5	HCV-F	CATGGCGTTAGTATGAGTG	84-102	19	56
6	HCV-R	STATCAGGCAGTACCACAAG	280-299	20	60

7	NEW-F	CATGGCGTTAGTATGAGTGT CG	84-105	22	66
8	NEW-R	TCCGCAGACCACTATGGCTC	135-154	20	60
9	ACF91	CCTCTAGCCATGGCGTTAGT A	76-96	21	64
10	ACR90	CAAGCACCCCTATCAGGCAGT A	287-307	21	64
11	ACR91	GTGACTCCACCAACGATCTG	426-445	20	62
12	ACF92	CGGAACCGGTGAGTACACCG GAAT	151-174	24	76
13	ACR92	CGTGCAGTGGCGCGCACACC CAA	471-493	23	78
14	ACF93	GGTACTGCCTGATAGGGTGC TTGCGAGT	285-312	28	88
15	ACR93	GGCCGTGCAGTGGCGCGCAC ACCCAA	471-496	26	88
16	HCXF02	CATGGCGTTAGTATGAGTGT CG	84-105	22	66
17	HCXR01	CACTCGCAAGCACCCCTATCA G	293-313	21	66
18	HCXR03	GGCYATTCCGGTGTACTCA	160-178	19	58
19	HCXR04	GACCCAACACTACTCGGCTA	251-270	20	62
20	HCXR05	GAGCACGAATCCTAAACCT	344-362	19	56
21	HCVHR01	TGGTACTGCCTGATAGGGTGC C	284-304	21	66
22	HCVHR02	CCTTGTGGTACTGCCTGATA	279-298	20	60

Натижада, 22 жуфт праймерлар ишлаб чиқилиб, улар жумласига 8 та форвард ва 14 та реверс праймерлар киради(1-жадвал).

Тадқиқотлар доирасида модификацияланган праймерлар ҳам синтез қилинди, бунда LNA нуклеотиди (lock nucleic acid) праймерларнинг сувоқланиш ҳароратини ошириш учун ишлатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Модификацияланган праймерлар


№	Праймер номи	Праймерлар нуклеотид кетма-кетлиги	Праймер узанлиги	Эриш t °C
1	HCXF02-84shLa	GGCGTT ^{LNA} AGTATGAGTGTCTG	19	54
2	HCXR04a-270shLa	CCCAACAACCT ^{LNA} ACTCGGCT	17	54

3	HCXF03	GAGAGCCAT ^{LNA} AGTGGTCTG	18	56
4	HCXR05	GAGCACGAAT ^{LNA} CCTAAACCT	19	56


Шундай қилиб, биз 22 жуфт оддий праймерларни ишлаб чиқдик, улардан кейинги тадқиқотлар учун 7 та форвард ва 12 та реверс праймерлар, шунингдек 2 жуфт модификацияланган праймерлар танлаб олинди.

Олигонуклеотид праймерлар синтези


Дизайн қилинган олигонуклеотид праймерларнинг синтези ASM-2000 “Биоссет” автоматик синтезаторида, амидофосфит усули ёрдамида амалга оширилди. Бунда синтез жараёни қуйидаги 4 босқичдан иборат: (4-расм).




1-босқич. Диметокситритил (ДМТ) гуруҳини олиб ташлаш.



2-босқич. Амидофосфит нуклеозидининг бирикиши.



3-босқич. Эркин гидроксил гурухларини химоялаш.



4-босқич. Фосфит гурухни фосфотриэфир боғланишигача оксидланиши.

4-расм. Олигонуклеотид праймерларни амидофосфит усул билан синтез қилиш босқичлари.

Синтезнинг биринчи босқичида нуклеотид қолдиғининг 5¹ОН гурухи очилади, бунга диметокситритил гурухининг дихлорсирка кислотасининг (ДСА) дихлорэтан эритмаси таъсирида ажралиб чиқиши билан эришилади. Синтезнинг иккинчи босқичида амидофосфит нуклеозид активатор н-тетразол ёрдамида эркин 5¹ОН гурухига бириктирилади ва фосфит-учэфир боғи шаклланади. Учинчи босқичда, реакцияга киришмаган эркин 5¹ОН гидроксил гурухлари сирка ангидриднинг тетрогидрофурандаги эритмаси СаpА ва 1-метилимидазолнинг тетрогидрофурандаги СаpВ эритмаси таъсирида ациллаш билан блокланади. Тўртинчи босқичда оксидланиш жараёни орқали нуклеотид қолдиқлари орасидаги фосфит боғи йод, пиридин ва сув аралашмасининг тетрогидрофурандаги эритмаси таъсирида фосфоучэфир боғланишига айланади. Синтез қилинган праймерлар тескари фазали хроматография усули ёрдамида DMT-on Purification Resin (SBSGenetech, China) сорбенти билан тўлдирилган картридждларда тозаланди.

Тозалаш жараёнидан кейин олигонуклеотид праймерларнинг концентрацияси Gene Quant II спектрофотометрида ўлчанди (3-жадвал).


3-жадвал

Тозалаш жараёнидан кейинги праймерларнинг концентрациялари

Праймер номи	Нисбати Ratio (1,7-1,8)	Оптик зичлик	Концентрация нмоль/мкл
HCV-F	1,786	1,162	20,7
HCV-R	1,730	1,709	17,4
NEW-F	1,755	1,676	16,5
NEW-R	1,748	2,234	21,2
ACF91	1,702	1,622	22,2
ACR90	1,784	2,816	21,7
HCXF02	1,789	1,259	19,1
HCXR01	1,722	1,458	21,2

HCXR03	1,705	2,161	18,5
HCXR04	1,726	1,698	22,8
HCXR05	1,733	1,578	21,2
HCVHF01	1,760	1,642	20,4
HCVHR01	1,756	1,954	22,3

Праймерларнинг тозалиги 20% ПААГ гелъ электрофорези ёрдамида аниқланди. Натижалар 5-расмда кўрсатилган.




5-расм. Праймерларнинг 20% ПААГ электрофорези.

Праймерлар :1.HCV-F 2.HCV-R 3.NEW-F 4. ACR905.ACF91 6. NEW-R
7.HCXF028.HCXR01 9.HCXR03 10.HCXR04 11.HCXR05 12.HCVHF01

5-расмдан кўриниб турибдики, тозаланмаган праймерларда асосий маҳсулот чизиғидан ташқари ёт маҳсулотларнинг уч кичик чизиқлари (1,2,3,4,5,6,7,8 намуналар) мавжуд, тозаланган праймерларда (9,10,11,12 намуналар) эса битта асосий чизиқ мавжуд.

ГСВ ни аниқлаш учун энг самарали праймер жуфтлигини аниқлаш
Энг самарали праймерлар жуфтлигини аниқлаш учун ПЗР одатдаги усулда турли праймер жуфтлари билан амалга оширилди(6-расм).



6-расм.2% агарозда ПЗР таҳлил маҳсулотларининг гелъ электрофорези.

ПЗР таҳлил маҳсулотларининг 2% агарозадаги гелъ электрофорези натижаларига кўра (6-расм), (1) АCF91-ACR90, (3) – HCVHF01 – HCXR01a ва (10) HCVHF01-HCXR04a праймер жуфтликлари энг самарали бўлиб чикди.Бу намуналарнинг чизиклари энг кучли интенсивликни намоён этишди. 6-расмдан кўриниб турибдики, (1) АCF91-ACR90 праймер жуфтлигининг ампликонлари ёрқинроқ рангга ва аниқ чизикларга эга бўлиб, кўшимча чизиклар мавжуд эмас (ёт маҳсулотларсиз).

Бундан ташқари, RT ПЗР таҳлили учун, танланган ампликон тузилишига мос келадиган флуоресцент зондлар *in silico* ишлаб чикилди ва уларнинг синтези амалга оширилди(4-жадвал).


4-жадвал

Флуоресцент зондлар

№	Зонд номи	Нуклеотидлар кетма-кетлиги	Зонд узунлиги	Суюқланиш t ⁰ C
1	HCP01	JOE- CGGGAGAGCCATAGTGGTCTGCG A-BHQ	24	74,4
2	HCP02	TET- CGGGAGAGCCATAGTGGTCTGCG -BHQ	23	73,2
3	HCP03	FAM- CGGGAGAGCCATAGTGGTCTGCG A-BHQ	24	74,4
4	HCP04	FAM-CGGGAGAGCCATAGTGG TCTGCGG- BHQ	25	60,2

5	HCP05	FAM- CGGGAGAGCCATAGTGGTCT GCGGAAA-BHQ	28	63,9
6	HCP01nq 2	FAM-CGGGAGAGCCATAGTGGT CTGCGG-BHQ	25	61,1
7	HCP01nq 1	FAM-CGGGAGAGCCA-BHQ- AGTGGTCTGCGG-BHQ	23	76,9
8	HCP01q- 1dt0	FAM-C-BHQ-CGGGAGAGCCA TAGTGGTCTGCGA-BHQ	26	52,8
9	HCP01FA	FAM-ACGGGAGAGCCATAGT GGTCTGCGA – BHQ	26	53,4
1 0	HCP01q- 2A	FAM-ACGGGAGAGCCATAGTGG TCTGCGG-BHQ-1	26	61,1

Барча синтезланган флуоресцент зондлар учун энг самарали праймер-зонд жуфтлиги аниқланди(7-расм).




7-расм.Энг самарали флуоресцент зондни аниқлаш учун RT - ПЗР таҳлил графиги.1- HCP01, 2-HCP01nq2, 3-HCP03, 4-HCP04, 5-HCP05, 6-HCP02, 7- HCP01FA, 8-HCP01q-2A.


Синов натижаларига кўра, флуоресцент сигналнинг энг юқори 345000 кўтарилиши 6 намуна, яъни HCP02 зонди томонидан кўрсатилди ва ушбу намуна кейинги синовлар учун танлаб олинди.

Олигонуклеотид праймерларни ЮССХ ёрадида стандартлаштириш

Праймерларни стандартлаштириш учун ЮССХ усули ёрдамида таҳлил қилиш услуги ишлаб чиқилди. Праймерлар Agilent 1100 хроматографида таҳлил қилинди. Олинган хроматограммаларда қуйидаги чўққиларни кўриш мумкин (8-расм). Хроматография шартлари: 1. Градиент -60% ацетонитрил, 40% буфер (0,1 М триэтиламмонийацетат, рН 7,0 га етказилган); 70%-30%, 80% - 20%. Колонка: XDB C18 Eclipse, 100x3 мм, 3,5 мкм, "Zorbax", детекция: UV=260 нм, оқим тезлиги 0,5 мл.



Форвард праймер хроматограммаси



Реверс праймер хроматограммаси


8-расм. Олигонуклеотид праймерларни ЮССХ хроматограммалари.

Хроматография натижаларига кўра, форвард праймер АСF91 94,6%, реверс праймер АСR90 95,4% тозалигига эга (8-расм).

ПЗР аралашмасидаги праймерларнинг концентрациясини оптималлаштириш.

Кейин, биз праймерларнинг самарали концентрациясини аниқлаш учун бир қатор тажрибалар ўтказдик (9-расм).

График амплификации




9-расм. Праймерларнинг самарали концентрациясини аниқлаш учун RT - ПЗР таҳлилининг графиги. 1 - 100 нмол, 2 - 200 нмол, 3 - 300 нмол, 4 - 400 нмол, к – салбий назорат намунаси.

Натижада, праймерларнинг энг самарали концентрацияси 200 нмолни ташкил этди, флуоресцент сигнал 150 000 бирликка ортди.


Навбатдаги тадқиқотларимизда ПЗР аралашмасидаги Mg^{2+} ионларининг оптимал концентрацияси аниқланди, шу мақсадда магний хлориднинг турли концентрациялари билан ПЗР таҳлили ўтказилди (10-расм).

График амплификации



10-расм. Аралашмадаги Mg^{2+} ион концентрациясининг ПЗР самарадорлигига таъсири.

Таърибаларда Mg^{2+} тузининг турли концентрацияли ПЗР аралашмалари ишлатилган (1 дан 5 ммольгача). Флуоресцент сигналнинг (170,000 бирликка) энг катта ўсишиги ПЗР аралашмасидаги 3.0 ммоль Mg^{2+} концентрациясида эришилди. Mg^{2+} ионларининг бу концентрациясидан кейинги ПЗР таҳлилларда фойдаланилди. Сўнг, ПЗР реакцияси учун энг самарали буфер эритмаси танланди. Бунинг учун ГСВ ПЗР турли буфер эритмалари билан таҳлил қилинди (11-расм).



11-расм. 5-жадвалда кўрсатилган турли хил буфер эритмалари билан RT-ОТ-ПЗР таҳлилининг графиги.

5-жадвал

Энг самарали буфер эритмаларнинг таркиби

Буфер номи	Буфер система	pH	KCl	$(NH_4)_2SO_4$	Поли сорбат - 20	БСА	ДТТ
1. NK Buffer	Трис – SO_4 /30 мМ	8,4	20 мМ	10 мМ	0,02%	0,05 мг/мл	
2. One step PCR Buffer 1	Трис – HCl /60 мМ	8,8	75 мМ		0,1%		
3. One step PCR Buffer 2	Трис – HCl /30 мМ	8,3	20 мМ	10 мМ	0,02%	0,05 мг/мл	
4. One step PCR Buffer 3	Трис – HCl /50 мМ	8,3	75 мМ				10 мМ

11-расмдан кўришиб турибдики, №2 буфер 180,000 бирликдаги энг юқори флуоресцент сигналини кўрсатди, №4 ва № 1 намуналар мос равишда 155,000 бирлик ва 127,000 бирликка флуоресцент сигналининг кўпайишини кўрсатди. Шундай қилиб, қуйидаги таркибли композит буфер - 75 мМКСl, 60 мМ TrisHCl, 0,1% Tween 20, рН=8,8 ГСВ РНКсини аниқлаш мақсадида RT- ПЦР таҳлил учун энг самарали буфер деб топилди.

Гепатит С вирусини аниқлаш учун «ПЦР-Детект Гепатит С»реагентлар тўпламининг спецификлиги ва сезгирлигини қиёсий таҳлил қилиш

Биз ишлаб чиққан «ПЦР-Детект Гепатит С»тўпламининг сезгирлиги ва ўзига хос фаоллигини солиштирма таҳлил учун «АмплиСенсHCV-FL» (кат. № R-V1-Mod (RG, iQ, Mx, Dt), яроликлик муддати 2020-12-14) ФБУН “Марказий эпидемиология илмий-тадқиқот институти” (Россия) томонидан ишлаб чиқарилган серия 14.12.19 тўпламидан фойдаланилди. 40 та намуналар, шу жумладан ГСВ беморларининг 30 та ижобий намуналари ва соғлом одамларнинг 10 та намуналари таҳлил қилинди (6-жадвал).

6-Жадвал

Гепатит С вирус РНКсини аниқлаш учун "ПЗР-детект гепатит С" ва “Амплисенс HCV-FL”тўпламларининг қиёсий тест натижалари

№	«ПЦР-Детект Гепатит С» тўпламининг натижалари Ст*кўрсаткичлари TET канал бўйича			«АмплиСенс-HCV-FL» тўпламининг натижалари Ст*кўрсаткичлари Yellow канал бўйича			
1	23,57	21	22,79	1	23,64	21	22,16
2	21,45	22	25,16	2	21,33	22	25,43
3	19,13	23	19,53	3	18,68	23	19,17
4	30,12	24	29,09	4	30,22	24	29,43
5	27,28	25	26,79	5	26,79	25	25,87
6	22,34	26	23,15	6	22,67	26	23,23
7	11,74	27	31,46	7	10,98	27	30,88
8	25,69	28	14,33	8	26,01	28	15,11
9	23,78	29	29,14	9	22,72	29	28,84
10	29,62	30	30,54	10	29,38	30	30,27
11	15,54	31	-	11	15,79	31	-
12	21,53	32	-	12	21,31	32	-
13	23,56	33	-	13	23,74	33	-
14	27,44	34	-	14	28,11	34	-
15	23,69	35	-	15	23,15	35	-
16	27,12	36	-	16	27,76	36	-
17	21,08	37	-	17	21,43	37	-
18	23,45	38	-	18	24,21	38	-
19	19,87	39	-	19	19,36	39	-

20	17,51	40	-	20	17,97	40	-
----	-------	----	---	----	-------	----	---

Синовлар натижасида биз томондан ишлаб чиқилган «ПЦР-Детект-Гепатит С» тўплами, тижорат«АмплиСенс-НСV-FL»тўплами билан ўхшаш натижаларни кўрсатди. Иккала тўпламдаги St* кўрсаткичининг ижобий намуналардаги қийматлари яқин ва соғлом одам намуналарида салбий натижаларни кўрсатди.

Шундай қилиб, диссертация тадқиқотлари доирасида ишлаб чиқилган RT-ПЗР тўплами гепатит С вирусининг клиник диагностикасида қўлланилиши мумкин. Ушбу тўпламнинг диагностик хусусиятлари хориждан импорт қилинадиган аналоглардан кам эмас ва уларга нисбатан анча паст нархга эга.

ХУЛОСА

1. Гепатит С вируси (ГСВ) 6 генотипининг геномлари кетма-кетлиги генотиплар орасидаги консерватив ҳудудларни аниқлаш орқали таҳлил қилинди. Илқбор консерватив ҳудудлар учун 22 та ноёб олигонуклеотид праймерлари ишлаб чиқилди.
2. Конструкцияланган олигонуклеотид праймерларнинг кимёвий синтези амалга оширилди. Синтез қилинган праймерлар тескари - фаза хроматография усули ёрдамида тозаланган.
3. Стандарт ПЗР усули учун энг самарали праймерлар жуфтлиги АСF91 [21 н.ж] ва -АСR90 [21 н.ж] аниқланган.
4. Биринчи маротаба танланган 210 н.ж. ўлчамли ампликон учун флуоресцент зондлар ишлаб чиқилди ва уларнинг синтези амалга оширилган.
5. Ишлаб чиқилган праймерларни ЮССХ усули ёрдамида стандартлаштириш амалга оширилган.
6. ПЗР таҳлили шароитлари оптималлаштирилди: RT-ПЗР усули билан ГСВ ни самарали аниқлаш учун праймерларнинг концентрацияси, Mg²⁺ионларининг энг самарали концентрацияси аниқланди. RT-ПЗР усули ёрдамида ГСВ ни аниқлаш учун самарали буфер - One step PCR Buffer 1 танланган.
7. Ишлаб чиқилган маҳаллий тўпламнинг тижорат тўпламига нисбатан лаборатория синовлари ўтказилган ва унинг сезгирлиги, ҳамда спецификлиги хорижий аналоглардан кам эмаслиги аниқланган. "ПЗР-Детект-гепатит С" тўплами учун меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Тўплам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий маҳсулотлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКда рўйхатдан ўтказилган (Гувоҳнома рақами № ТВ/М 00620/10/22 28.10.22).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ИКРАМОВ САИДАЗИМ АДЫЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ПЦР ДИАГНОСТИКУМА НА ВЫЯВЛЕНИЕ
ВИРУСА ГЕПАТИТА С**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.4. PhD /K79

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.icps.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Азимова Шахноз Садыковна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рахманбердыева Рано Каримовна**
доктор химических наук
Ощепкова Юлия Игоревна
доктор химических наук

Ведущая организация: Ташкентский фармацевтический институт.

Защита состоится «__» _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01. при Институте химии растительных веществ, (Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.:262-59-13, факс: (99871) 262-73-48), e-mail: plantinst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № ____). Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.:262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки ____ от «__» _____ 2023 года).

Ш.Ш. Сагдуллаев
Председатель Научного Совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Н.К. Хидирова
Ученый секретарь Научного Совета по присуждению
ученых степеней, кандидат химических наук,
старший научный сотрудник

Э.Х. Ботиров
Председатель Научного семинара при Научном Совете
по присуждению ученых степеней,
доктор химических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

